



100047, O'zbekiston, Toshkent, Buxoro ko'chasi, 10

Tel.: 998 (71) 236-06-35 Fax: 998 (71) 232-07-31

www.csm.gov.uz

10, Bukhoro str., Tashkent, Uzbekistan, 100047

www.openinfo.uz e-mail: info@csm.gov.uz

“ ” 201__ у. № _____

Қ А Р О Р 15-07/002

«17» феврал 2017 йил

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки кенгашининг 2016 йил 28 декабрдаги қарорига, Марказ Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасининг 2017 йил 17 февралдаги 07-21/013-сонли билдиришномасига ҳамда 2009 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг 92-бандига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банкининг жойлашмаган акциялари бекор қилиниши муносабати билан Марказ томонидан 2015 йил 14 декабрда P0820-9-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- 2017 йил 19 январдаги 1-25/281-сонли ариза;
- банк кенгашининг 2016 йил 28 декабрдаги 115-сонли баённомасининг банк томонидан тасдиқланган нусхаси;
- аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);
- ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Марказга белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги 2017 йил 16 январдаги 001-сонли мемориал ордер, банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси билан;
- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банкининг жойлашмаган акциялари бекор қилиниши муносабати билан Марказ томонидан 2015 йил 14 декабрда P0820-9-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатига олинсин.

Марказ томонидан 2015 йил 14 декабрда P0820-9-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 130 000 000 000 сўмлик 130 000 000 дона оддий акциялардан

60 519 320 000 сўмлик 60 519 320 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 69 480 680 000 сўмлик 69 480 680 дона оддий акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига:

- Марказ томонидан рўйхатга олинган «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банкининг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

- ушбу қарорнинг бир нусхасини «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банкига, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига юклатилсин.

Бош директор



Б. Шакиров

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Invest Finance Bank»

акциядорлик тижорат банки
(шамъталий номи)

Банк Кенгаш Раиси

А.Н. Ахмадханов



(жамият култув кенгаши раисининг ф.и.ш. ва икзо)

2016 йил «28» декабр

115

– сон

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш

Маркази

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Бош Директор

Б. Шакиров



2017 йил «17» феврал

15-07/002

– сон

М.Ў.

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2015 йил 14 декабрда P0820-9 -сон билан рўйхатдан ўтказилган «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига

киритилган ўзгартiriшлар ва (ёки) қўшимчалар

МАТНИ

Амалдаги тахрир	Янги тахрир
2015 йил 14 декабрдаги P0820-9 -сонли қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор	2015 йил 14 декабрдаги P0820-9 -сон билан рўйхатдан ўтказилган «Invest Finance Bank» акциядорлик тижорат банки қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига
Титул varaғида: Эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги 130 000 000 (бир юз ўттиз миллион) дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган акциялар	Титул varaғида: Эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги 69 480 680 (Олтмиш тўққиз миллион тўрт юз саксон минг олти юз саксон) дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган акциялар
4. банди Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – 130 000 000 (бир юз ўттиз миллион) дона	4. банди Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – 69 480 680 (Олтмиш тўққиз миллион тўрт юз саксон минг олти юз саксон) дона
5. банди Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми – 130 000 000 000 (бир юз ўттиз миллиард) сўм	5. банди Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми – 69 480 680 000 (Олтмиш тўққиз миллиард тўрт юз саксон миллион олти юз саксон минг) сўм



Бошқарув раиси

Бош бухгалтер

З.С. Абдуллаев

Ж.О. Тошпўлатхўжаев